O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
HOKIMI
QARORI

141106, Nurobod shahri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy
Tel:(533)16-44, Fax:(533)98-81, nurobod@samarkand.uz

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141106, г. Нурабад, ул. Мустакиллик, 2
тел:(533)16-44, факс:(533)98-81, nurobod@samarkand.uz

2019 йил «22» февраль № 297-к

Туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон карори билан тасдикланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш максадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман худудидаги мулкчилик шаклидан катъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туманда транспорт воситалари куйидаги даврийликка мувофик техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортик бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташкари), одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чикарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чикарилган йили хам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандининг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташкари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чикарилган йилини хисобга олган холда ишлаб чикарилганлигига беш йилдан ортик бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чикарилган вакти аникланмаган транспорт воситалари (мазкур бандининг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташкари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — тягачи учун белгиланган муддатларда.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача ўтказилсин.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилиши инобатга олинсин.

4. Туманда техник кўрикни ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофик, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2019 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофик тасдиклансин.

5. Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга "JV MAN AUTO Uzbekiston" маъсулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхонанинг техник кўрик ўтказиш учун зарур ва шароитларга мавжудлиги, уларга тегишли бўлган автобус, ўринликлар сони 8 та ва ундан ортик бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташкари), одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари хамда уларнинг тиркамаларини кўшма корхонанинг сервис ва диллерлик марказида, бошка турдаги транспорт воситаларини "Самарканд Автотеххизмат" ОАЖга карашли тумандаги Агротехсервис МТПда техник кўрикдан ўтказилиши тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиклаш хакида"ги карори 3-банд талабларидан келиб чикиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими ва Миллий хавфсизлик хизмати харбий бўлинмалари транспорт воситалари мажбурий техник кўрикларни ўз юкори ташкилотларининг карори ва иш режаси асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

7.Ушбу карор кабул килинниши билан туман хокимининг 2018 йил 20 февралдаги 250-Қ-сонли карори ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.

8. Мазкур карор расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **Ф.Заиров**

Туман хокимининг
"22" февр. 2019 йил
№ 293-К сонли қарорига
1- илова

Техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

Т А Р К И Б И

1	Ж.Туйинов	-туман ИИБ ЙХХТ катта инспектори, ишчи гуруҳи рахбари

Аъзолари

2	А.Каюмов	-туман ИИБ ўринбосари
3	Х.Кобулов	-МК "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгаши раиси
4	Н.Нурмонов	-туман мудофа ишлари бўлими ходими
5	Н.Аллаяров	-туман ЖКБга қарашли №5 автокорхонаси ходими

Туман хокимининг
"22" февраль 2019 йил
№193 К сонли қарорига
2-илова

2019 йил Давлат (юридик) ташкилотларига тегишли автомототранспорт воситаларини мавсумий техник кўрикдан ўтказиш

ЖАДВАЛИ

Тр	Ташкилот номи	Кўрикдан ўтказиш вақти	Транспорт Сони	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Ташкилот раҳбарининг Ф.И.Ш
1	Нурбулок люкс транс	02.03.19 й	44	Автосарой	
2	Умарбек Умиджон ишончи	03.03.19 й	30	Автосарой	
1	Оқсой транс МЧЖ	4.03.19 й	19	Автосарой	
3	Туман ХТБ Туман ДСИ	05.03.19 й	1 1	Туман ИХХИ	
4	Туман Саноат Коллежи. Нуробод хизмат кўрсатиш ҚХК	06-07.03.19 й	2 2	Туман ИХХИ	
5.	Туман Хокимияти. Туман ҚСХ бўлими	09.03.19 й	5 2	Туман ИХХИ	
6.	Туман ДСЭНМ	12.03.19 й	3	Туман ИХХИ	
7.	Туман тиббиёт бирлашмаси	13.03.19 й	2	Автосарой	
8.	Сахоба ота ш/х	16.03.19 й	7	Туман ИХХИ	
9.	Р.Жахонгиров ш/х	23.03.19 й	7	Туман ИХХИ	
10.	Олга ш/х. Олга шаршараси	26.03.19 й	5	ММТП а сарой	
11.	Каттакўрғон ш/х. Нурбулок сардорлари тулпори МТП	27.03.19 й	12	Автосарой	
12.	Ўзбекистон ш/х. Жаркудук осмонда порлаган юлдуз ММТП	28.03.19 й	14	Автосарой	
13	Шамс – Мир к/к	29.03.19 й	2	Автосарой	
14	"Ватанпарвар" МК	30.03.19 й	9	Автосарой	

15.	Нуробод туман газ филиали	2.04.19 й	4	Автосарой
16.	Туман ЙХТПФДК	3.04.19 й	4	Автосарой
17.	Нурли йўл к/к	4.04.19 й	1	Автосарой
18.	ЖКБ № 5 а-сарой РБР.	8.04.-24.04.19й	168	Автасарой
19.	Абу Али Ибн Сино сиҳатгоҳи. Нурбулоқ балнеологик сиҳатгоҳи	1.05.19 й	6 2	Автосарой
20.	Зирабулоқ ГРЭ	3-4.05.19 й	24	Автосарой
21.	Туман ветинария бўлими. Туман ободонлаштириш бўлими. Туман тоза ҳудуд корхонаси.	6.05.19 й	3 2 5	Туман ЙХХИ
22.	Бинокор ж/х	7.05.19 й	2	Автосарой
23.	Саройкўрғон ўрмон хўжалиги	8.05.19 й	6	Автосарой
24.	Нуробод туман Халқ банки	10.05.19 й	1	Туман ЙХХИ
25	Туман Меҳнат бандлик бўлими. Туман агросутурта бўлими	13.05.19 й	1 1	Туман ЙХХИ
26.	Фермер ва деҳкон хўжаликлар	15-31.05.19 й	46	Туман ЙХХИ
27.	Ёшлар ташкилотлар	01-08.06.19 й	47	Туман ЙХХИ

Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари **Л.Мукимов**